

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узатиб бориш функциясига эга бўлган назорат-касса машиналарининг (кейинги ўринларда — онлайн НКМ) замонавий моделларини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки: товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш учун 2018 йилнинг 1 январидан 30 мартгача Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн НКМлар таъриб-синув тартибидеда амалиётга жорий этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида барча юридик шахслар томонидан реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда онлайн НКМ ёрдамида амалга оширилади;

2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн НКМни қўллаган ҳолда амалга оширилади;

қарорнинг мазкур банди қоидалари қўнунчиликка мувофиқ фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўллашдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга таъбиқ этилмайди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ушбу бандда белгиланган муддатлар тугагандан кейин онлайн НКМларни қўллашдан воздержаниш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш назорат-касса машинасини қўллаш тартибини бузиш, деб қаралади ва қўнунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг худудий органлари 2018 йилнинг 1 майдан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли онлайн НКМларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқарилишини, шу жумладан, жаҳон инфоормацион интернет тармоғи орқали масофадан хизмат кўрсатиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўзлари фаолият юритаётган шаҳар ва туманларда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш. Х.):

Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б. Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқласин ҳамда ҳар йилги янгилаб борсин;

телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини ҳар календарь йилнинг 25 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борсин.

6. Онлайн НКМдан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, жойлаш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига сўровга мувофиқ узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б. Р.) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш. Х.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фискал маълумотлар операторининг фаолиятини тартибга соладиган Низомини тасдиқласин ва фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахсини аниқласин.

7. «Узелтехсаноат» акциядорлик компанияси (Боқиев Ф. Х.): Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш. Х.), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б. Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кейинчалик чекларнинг ҳақиқийлигини аниқлашда фойдаланиладиган уникал кодли чек берадиган онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талабларни белгилайдиган давлат стандартини ишлаб чиқсин ва қўнунчиликда белгиланган тартибда экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун «Узстандарт» агентлигига тақдим этсин;

онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талаблар қонфигурациясини маълумотларнинг очиклигини таъминласин; бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилган ҳолда, 2017 йилнинг 1 декабригача республикада онлайн НКМ ва (ёки) НКМ таркибидеда ишлаш учун мўлжалланган маълумотларни онлайн режимида давлат солиқ хизмати органларига узатиш функциясига эга бўлган махсус қурилмалар кенг ишлаб чиқарилишини ташкил этсин;

юридик ва жисмоний шахсларга онлайн НКМни бўлиб-бўлиб тўла шарти билан сотиб олиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш. Х.):

а) телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, мобил алоқа

операторлари ва провайдерларига пулли ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига узлуқсиз узатиш хизматлари тақдим этишини таъминласин;

б) базавий станциялар, жумладан, CDMA-450 технологияларини қўллаган ҳолда станциялар сонини кўпайтириш; тармоқлар билан, айниқса, олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларини қамраб олиш зоналарини кенгайтириш; онлайн НКМдан фойдаланишда махсус тариф режаларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б. Р.) Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Тангриев Л. Х.), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мақсади, моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б. Р.) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўнунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва идораларга киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Бош вазир ўринбосари Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Р. Парпиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДАГИ «ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидеда товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган низомлар билан тартибга солинади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар назорат-касса машиналарининг фискал хотирасида сақланади.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қамраб олиш, нақд пул тушуamlарини банк кассаларига топширмадан яшириш мақсадида харидорларга назорат-касса машинасини чекин бермаслик, назорат-касса машинасини носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш,

назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали амалга оширилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилмоқда.

Бундан ташқари, йирик савдо тармоқларида товарлар ҳисобини юритиш, харидорларга назорат-касса машинасиндан чек бериш ягона компьютер тизими орқали амалга оширилиши сабабли уллардаги нақд пул тушуamlари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилиги кафолатланмайди.

Нақд пул тушуamlарининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам равишда жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сон Фармони билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох этишининг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация

технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланган.

Ушбу вазифалар, шунингдек, юқоридаги Фармон билан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самардорлигини, ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури»нинг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари таъриб-синув тартибидеда амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб ушбу

ҳудудлардаги барча юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга ошириш орқали босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахс Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аниқланади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан: биринчидан, харидорларга берилган назорат-касса машиналари чекларининг марказлашган электрон маълумотлар базаси яратилади ва

назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчаларини онлайн режимида аниқлаб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади;

иккинчидан, назорат-касса машиналари орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини қамраб олиш, назорат-касса машиналарини йўқотиш, бузиш ёки рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи бухгалтерия юритиш каби ҳолатларга чек қўйилади;

учинчидан, онлайн назорат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилади, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини таъбиқ этишининг янги босқичга кўтарилиши таъминланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашуш ва турли назорат тадбирлари ўтказилишининг қамраб олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашнинг халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга ошириш.

Шу билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар курашни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, «Кураш» миллий спорт турини, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида, ўсиб келаётган авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида оммалаштириш бўйича амалга оширилатган ишлар замон талабларига жавоб берамайпти;

иккинчидан, мазкур спорт тури бўйича қобилиятли курашчиларни аниқлаш ва саралаш ҳамда уларнинг машқ қилиши, шунингдек, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш имконини берадиган клуб ва секцияларнинг яилти тизими шакллантирилмаган;

учинчидан, ёшларни ушбу спорт тури билан шуғулланишга кенгроқ жалб этишга қаратилган халқаро мусобақалар голиблари ва совриндорларини рағбатлантиришнинг самарали тизими жорий этилмаган;

тўртинчидан, зарур моддий-техника базаси ва спорт инфратузилмасининг етарли эмаслиги, спорт анжуманларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаганлиги спортчилар машғулотларини талаб даражасида ташкил этишга ҳамда кураш бўйича халқаро мусобақаларни ўтказишга тўсқинлик қилмоқда.

«Кураш» миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонидеда юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. 6 сентябрь — «Кураш» миллий спорт тури кунини сифатида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки

ҳафта муддатда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутуви «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида «Кураш» миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да замонавий спорт клублари ва секцияларни ташкил этиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш;

«Кураш» йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш;

мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган «яктак» спорт кийимлари ва «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

курашни, шу жумладан, реклама кампанияларини ўтказиш ва ижтимоий роликларни намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси «Кураш» миллий спорт турини «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиадада спорт ўйинлари дастурига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон кураш федерациясининг Ўзбекистон кураш федерациясини хузурида «Кураш» миллий спорт тури маркази» нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва Тошкент шаҳар, Қорқожаота кўчаси, 25-ўй манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Кураш» миллий спорт тури марказини мазкур бандининг биринчи ҳатбосида кўрсатилган манзил бўйича бепул жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон кураш федерациясини ва унинг бўлиmlарлари фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлаш, шу жумладан,

«Кураш» миллий спорт тури маркази биносини реконструкция қилиш ва моддий-техник жиҳозлаш учун ҳоимийлик маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ: юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси (ялпи тушуми) Ўзбекистон кураш федерациясининг фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳоимийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг (ялпи тушумининг) ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди;

Ўзбекистон кураш федерациясини томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбахо совғалар кўринишидаги даромадлар жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солигидан озод қилинади.

7. Спортчиларни ҳаммабон ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолият «яктак» спорт кийимлари ва (ёки) «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришга итисослаштирилган корхоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадили жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Ўзбекистон кураш федерациясининг бюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йилгилари ундирмасдан кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон кураш федерациясига хорижда кураш бўйича халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда қўллаб-қувватлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон кураш федерациясининг бюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат

божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш орқали курашни оммалаштиришга қўллаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги голибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 2 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кураш — азал-азалдан олижаноблик, мардлик ва ҳалоллик тимсоли, халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меросининг бир қисми ва бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Кураш ҳақидаги илк маълумотлар Сурхон ва Зарафшон воҳалари, Фарғона vodiysi, Сармиш-сий дараларида аниқланган тасвирий санъат намуналари акс этган осориатикаларда, қоятошларда ва горларда учрайди.

Машҳур антик тарихчи Геродот ўзининг «Тарих» асаридеда кураш қадимда юртимиз ҳудудидеда жойлашган халқлар урф-одати ва аънаъларининг бир қисми эканлигини таъкидлаб ўтган.

Буёқ Шарқ ҳақими ва маърифатпарвари Абу Али ибн Сино асарларида кураш инсон соғлиғи-

ни мустаҳкамлаш усулларидан бири сифатида эътироф этилган.

Буёқ саркарда соҳибқирон Амир Темур даврида кураш аскарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёрларлигини оширишнинг асосий усулларидан бири бўлган.

Пахлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад сингари баҳодирлар курашни бутун дунёга танитган.

Кураш нафақат спорт турларидан бири, шу билан бирга, миллий байрамлар ва халқ сайилларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Кураш» сўзи «халол йўл билан галабага эришиш» маъносини англатади ҳамда ўзидеда мардлик, кучли ирода, ҳалоллик ва рақибга нисбатан ҳурматни акс эттиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кураш бўйича биринчи расмий турнир 1992 йил августда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилди.

1998 йил 6 сентябрда ҳозирда сайёрамизнинг беш қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган Кураш халқаро ассоциацияси тасвис этилди.

Бугунги кунга қадар дунёнинг қўллаб-қувватлашда кураш бўйича 500 дан ортқ халқаро турнирлар ўтказилди. Юртдошларимиз орасидан 300 нафардан кўпроқ спортчилар кураш бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирларнинг голиб ва совриндорлари бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

(Давоми. Бошланғичи 1, 3-бетларда).

Қарорда "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилди.

Дастурга мувофиқ, курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида "Кураш" миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилади.

Шунингдек, кураш бўйича республика, халқаро мусобақалар ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақа ва турнирлар шитирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш, "Кураш"

йўналишида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қабул квоталарини ошириш, ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган "ятак" спорт анжумлари ва "кураш гилам"лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, курашни оммалаштириш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Мазкур чоралар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида курашни ривожлантириш ва оммалаштиришга, спорт анжумлари ва инвентарларини тайёрлаш соҳасида маҳаллий брендни яратишга, Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Кураш "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилади.

Қарорга мувофиқ, 6 сентябрь мамлакатимизда "Кураш" миллий спорт тури кунини эътиборга олиш ва бу Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган кун билан раъсий маънода белгилади.

Ўзбекистон кураш федерациясининг моддий-техника базасини сезиларли мустаҳкамлаш, кураш бўйича спортчилар ва мураббийларнинг иқтимоий ҳимоясини ошириш имконини берадиган қатор имтиёзлар назарда тутилди.

Хусусан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўрсатишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камади.

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан

спортчилар ва мураббийларга топширилган пул муқофотлари ва қимматбахона совғалар кўрсатишида даромадлар жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан озод қилинади.

Спортчиларни ҳаммадан ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти "ятак" спорт кийимлари ва (ёки) "кураш гилам"ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

Кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчи-

лиги голибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартиби жорий этилмоқда. Жамоатчилик, айниқса, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон кураш федерацияси хузурида "Кураш" миллий спорт тури маркази" нодавлат ношароит ташкилотини ташкил қилиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорини амалга ошириш "Кураш" миллий спорт турини бутун дунёда янада ривожлантириш ва оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гурур ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодда мардлик, кучли ирода, олимжонлик ва рақибга ҳурмат каби сифатларни шакллантиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, жумладан, сиёсий партиялар фракцияларида экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида ҳар томонлама муҳокама этилиб, жорий йилнинг 28 сентябрь кунин парламентнинг кўйи палатаси томонидан қабул қилинди.

Қонун Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси хузурида тузилган ишчи гуруҳ томонидан илмий ва экспертлар доиралари вакиллари билан қилган ҳолда дастлабки тарзда ўрганиб чиқилди.

Қонун икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, яқин қўшнилар — Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги руҳ бағишлаш таъкидланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг аъзолари мазкур қонунни

маълумлаш учун Сенатнинг бўлажак ўн иккинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Сенати кўриб чиқиши учун "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисидаги масала ҳам киритилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Депутатлар амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаган ҳолда, жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида соҳага оид қонунларнинг ижроси суз экани, бунда маҳаллий давлат органлари, шу жумладан, ҳудудларда аҳоли бандлиги билан шуғулланган муассасалар ушбу масалага етарли даражада эътибор қаратмаётганини қайд этдилар. Раёбийнинг меҳнат бозоридида вазият мураккаб бўлган 34 та туманда ишсизлик даражаси ўсгани алоҳида таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини баҳолаш дастурида ҳам бўлиб, муқаддас қадимчи ва тарихий обидалар билан танишди.

Самарқандда меҳмонлар Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Юртбошимиз қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди. Мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари, маҳобатли мақбара, миллий услубдаги айвон ва бошқа иншоотлар меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон мажмуаси ва бошқа тарихий

обидаларни ҳам томоша қилди. Шаҳардаги Алексей соборида Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл иштирокида маросим ўтказилди.

Меҳмонлар Бухоро шаҳрида Архистратиг Михаил ибодатхонасига таширф буюрди. Шунингдек, дунёга машҳур меъморий ва тарихий обидалар сирасига кирувчи Чашмаи Аюб мақбараси, Пойи Калон мажмуаси ва Арк қалъаси билан танишди.

— Бухоро ҳақида кўп ўқиганман, — деди Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл. — Инсоният цивилизациясига бекиб ҳисса қўшган бу шаҳардан жаҳонга машҳур уламолар етишиб чиққан. Ўзбекистонда барча конфессия, жумладан, христиан динига эътиқод қилувчиларга ҳам ўз амалларини адо этишлари учун тенг шароит яратилган тахсинга сазовор. Бу юртингизда диний бағрикенглик ва тотувлик барқарорлигини далолат.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, Гобис ҲАСАНОВ, Эркин ЕДГОРОВ, Ўза мухбирлари.

ошириётганлигига, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан мониторинг қилишни такомиллаштиришга эътибор қаратдилар. Шунингдек, йиғилишда мавжуд қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, мазкур масала бўйича парламент ва депутатлик назорати институтларидан ҳали ҳам етарлиқ фойдаланилмаётгани депутатлар томонидан алоҳида қайд этилиб, бунда 2017 йил учун аҳоли бандлиги дастури параметрларининг амалга оширилишини баҳолаш ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, депутатлар Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ таъминлаш бўйича мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилганлигига, мамлакатини қўшилган халқаро конвенциялар самарали амалга



ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бинобарин, давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг қайси ҳудудига бормасин, одамларнинг турмуш шароитини тубдан яхшилаш, ҳаёт даражасини сифат жиҳатидан юксалтириш, шаҳару қишлоқларни обод қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб беради. Президентимизнинг жорий йил 6 май кунини пойтахтимизнинг Яшнобод туманига таширфи ҳам шундай бўлди. Ҳудудда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, бу борада тақдим этилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича қимматли тавсиялар бериш ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатиш.

Шундан келиб чиқиб, ўтган қисқа даврда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий иқтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топшириляпти.

Сифатли патронаж хизматидан аҳоли мамнун

Юртбошимиз ҳудуддаги 32-оилавий поликлиникага таширф буюриб, унинг иш жараёни билан яқиндан танишган ва бу ердаги мавжуд муаммоларни вақтида бартараф қилиш, тиббиёт муассасаси фаолияти самарадорлигини ошириш, уйларга чиқиб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишни янада кучайтириш юзасидан ўз тавсияларини берган эди.

Шулар асосида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий андоздаги тиббиёт муассасаси қад ростланди. Буни поликлиникага кирган заҳоти сезиш мумкин. Рўйхатхонага ўрнатилган катта монитордин мазкур муассаса шифокорларининг сурати, хонаси, йўналиши, қабул вақти, умуман, керакли барча маълумот ўрин олган. Бу орқали бемор кимнинг қабулига, қачон кириши мумкинлигини бир зумда билиб олади.

Ана шундай қулайликларга эга оилавий поликлиника жамоаси 27 минг 300 нафарга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни бошлади.

— Яширишнинг ҳолати йўқ, илгари поликлиникамиз ачинарли аҳволда эди, — дейди мазкур муассаса бош шифокори Нигора Саидова. — Биноимизнинг санитар аҳоли тиббиёт масканни талабига умуман жавоб бермасди. Ишимизда камчиликлар кўза ташланаётганда, Шинам, замонавий кўринишдаги кўркам бинони қуриб-битказиш, зарур тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш ҳамда ишга тушириш учун атиги 4 ой етарли бўлди.

Очиги, таширфга биз патронаж тизими аҳамиятини бир оз унутган эдик. Давлатимиз раҳбарининг аҳоли ўртасида касаликларнинг олдини олиш, фаолиятимизни профилактик ва патронаж ёрдами йўналтириш ҳамда тез тиббий ёрдамни такомиллаштириш юзасидан берган топшириқлари бизни сергак торттирди. Шу асосда фаолиятимизни қайта ташкил этдик.

Умуман олганда, Президентимизнинг Яшнобод туманига таширфидан сўнг ҳудудда бири-бирдан кўркам турли объектлар ишга туширилишдан ташқари, мавжудларни фаолиятини тубдан яхшилаш устида жадал саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Мухими, бундай эзгу тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудда изчил давом эттирилиб, юртдошларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт қириши учун муносиб шарт-шароит яратилмоқда. Zero, республикада олиб борилаётган ислохотлар моҳиятида инсонпарварлик тамойиллари устувордир.

Закор ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Поликлиникада тез тиббий ёрдам пункти очилиб, махсус транспорт воситалари билан таъминлангани чакирувларга қисқа фурсатларда етиб бориб, беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишда қўл келаётди.

— Қаранг, қисқа вақтда шунча ишлар бўлди, — дейди шу ҳудудда истиқомат қилувчи Ҳамид Пурматов. — Шифокор ва ҳамширалар ўйма-ўй қириб, ҳар бир инсон саломатлиги билан қизикаётгани, зарур бўлса, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатаётганидан барча мамнун.

Фарзандлар иқболи учун

Юртимизда эртамиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун барча қулайлик муҳайё қилинмоқда. Нафақат шаҳарлар, олис қишлоқларда ҳам замонавий кўринишдаги мактаб, лицей, мактабга таълим муассасаси ҳамда спорт иншоотлари қуриляпти. Президентимизнинг Яшнобод туманига таширфидан сўнг ҳудудда барпо этилган 15-мактабга таълим муассасаси биноси ана шу йўналишда эзгу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.

— Қўзим Нилуфархоннинг олдинлари богчага чиққиси келмасди, энди бўлса, ҳаммадан эрта туриб олиб, "Қачон богчага борамиз?" деб хараша қилгани-қилган, — дейди Муъсарр Эгамбердиева. — Шунинг ўзиданқоқ бу ерда вазият ўзгарганини аниқлаш мумкин. Гуруҳлар учун мўлжалланган хоналар ёруғ ва шинам бўлишидан ташқари, керакли барча анжом ҳамда таълим-тарбия воситалари билан тўлиқ жиҳозланган.

Жорий йилнинг 4 сентябрида фаолият бошлаган ушбу муассасада айни пайтда 180 нафар болажон таълим-тарбия олмақда.

— Бу ерда нафақат болажонлар, балки биз, тарбиячилар учун ҳам барча шарт-шароит яратилган, — дейди Умида Бўриева. — Бу бизга янада катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, ўз устимизда ишлаб, болалар таълим-тарбияси билан боғлиқ илгор тажрибаларни, янгиликларни фаолиятимизга татбиқ этиш мақсадида астойдил ҳаракат қиламиз.

Умуман олганда, Президентимизнинг Яшнобод туманига таширфидан сўнг ҳудудда бири-бирдан кўркам турли объектлар ишга туширилишдан ташқари, мавжудларни фаолиятини тубдан яхшилаш устида жадал саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Мухими, бундай эзгу тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудда изчил давом эттирилиб, юртдошларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт қириши учун муносиб шарт-шароит яратилмоқда. Zero, республикада олиб борилаётган ислохотлар моҳиятида инсонпарварлик тамойиллари устувордир.

Закор ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистонда динлараро фаол мулоқот майдони яратилгани жамиятдаги барқарорликнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни ҳар томонлама жадал ривожлантириш йўлини белгилаб берди.

Мазкур муҳим ҳужжатда илгари сурилган вазифалар ижроси доирасида қўшни мамлакатлар, турли миллат-элат, дин вакиллари ўртасидаги аънаваний яқин ва дўстона алоқаларни

янада мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ўз диний эътиқодларини эмин-эркин адо этишлари учун мустаҳкам қонуний асос ҳам, шароит ҳам яратилган, — деди Зоя Канопоқ. — Мусулмон, христиан ва бошқа дин вакиллари ўртасида қарор топган дўстлик, тотувлик ва ҳамжихатлик ана шундай байрам ва турли тантаналарда янада мустаҳкамланади. Бундай эътибор ва эзгу ишларга ўзини қамраб баста билган давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирамиз.

Тадбирда Ўзбекистон ва Россия санъат усталари, ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ

черковининг Москва Патриархати делегацияси мамлакатимизга таширфи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам бўлиб, муқаддас қадимчи ва тарихий обидалар билан танишди.

Самарқандда меҳмонлар Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Юртбошимиз қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди. Мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари, маҳобатли мақбара, миллий услубдаги айвон ва бошқа иншоотлар меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон мажмуаси ва бошқа тарихий

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗДА УЧРАШУВ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А. Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари 2 октябрь кунини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов билан учрашди.

Учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, дин ва эътиқод эркинлиги, миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари ҳаётга татбиқ этилаётгани юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Мулоқотда мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ни янада мустаҳкамлаш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи қонунчиликда қафолатланган. Мамлакатимизда айни пайтда 2 минг 241 диний ташкилот фаолият юритаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ислам, христиан ташкилотлари, яҳудий, баҳойи жамоалари, Қришна жамияти ва Будда ибодатхонаси фуқароларнинг диний ибодат ва маросимларини тўлиқ адо этишига имкон бераптир. Ўзбекистон мусулмон-

лари идораси тасарруфидаги ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг Тошкент православ семинарида ҳамда Тошкент протестант семинарида таълим олиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилгани юрти-мизда ҳукм сураётган бағрикенгликнинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, таълимнинг ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик тиллари, жами етти тилда олиб бориладиган тизими яратилди. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш орқали жамият таррақийтини таъминлашда давлат ташкилотлари билан бирга, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам фанол ишти-

нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Марказ томонидан қатор халқаро ташкилотлар билан биргаликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга қаратилган ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда.

Учрашувда мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижроси, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини юзасидан фикр алмашилди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А. Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликларидан ҳам музокаралар ўтказди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, Ўза мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045, 75 976 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келиштилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташрифт келган қўбизмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режадан материаллар учун тахрирват жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахрирват компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сўхфаланди.

Газетанинг полиграфия жиятдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.10 Топширилди — 00.25 | 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.